

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУСАЕВ УЛУГБЕК ЮЛДАШЕВИЧ

**СТОМАТОЛОГИЯДА ДИПЛОМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМДА
ИНТЕРАКТИВ УСУЛДА ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд –2021

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора медицинских наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor in medical sciences (DSc)

Мусаев Улугбек Юлдашевич

Стоматологияда дипломдан кейинги таълимда интерфаол усулда
ўқитишнинг инновацион технологияларини ташкил этиш..... 3

Мусаев Улугбек Юлдашевич

Повышение эффективности организации инновационных технологий
интерактивного метода обучения в последипломном образовании по
стоматологии..... 25

Musayev Ulugbek Yuldashevich

Improving the efficiency of the organization of innovative technologies of
interactive teaching methods in postgraduate education in dentistry..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУСАЕВ УЛУГБЕК ЮЛДАШЕВИЧ

**СТОМАТОЛОГИЯДА ДИПЛОМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМДА
ИНТЕРАКТИВ УСУЛДА ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд –2021

Фан доктори (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Tib463 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтидабajarилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтига (www.sammi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Ризаев Жасур Алимжанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор;

Хайдаров Нодиржон Кадиорович
тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Расмий оппонентлар:

Акилов Хабибулла Атауллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор;

Ковач Илона Васильевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Украина);

Абдувакилов Жахонгир Убайдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот:

Токай тиббиёт маркази (Япония)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02-рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «8» сентябр соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй). (Тел./факс: (99866)-233-07-66; e-mail: sammi@sammi.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 18. (Телефон/факс: (99866)-233-07-66)

Тезиснинг автореферати 2021 йил «__» _____ юборилди.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси)

Г.У. Лутфуллаев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Г.У. Самиева,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

К.Э. Шомуродов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида рақобатнинг кучайиб бориши ва глобаллашув жараёнининг тобора чуқурлашиши шароитида, жумладан соғлиқни сақлаш тизимининг рақобатбардошлигида, айниқса тиббиёт ходимларини, шунингдек шифокор-стоматологларни тайёрлаш сифати ва дипломдан кейинги рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимидаги мазкур жараёнларнинг ижобий ечими бугунги кунда нафақат аҳоли турмуш сифатини ошириш, балки иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминловчи муҳим омилга айланиб бормоқда. Шу сабабли, тиббиёт, жумладан стоматология йўналиши бўйича дипломдан кейинги таълим тизимини самарали ташкил қилиш, замонавий таълимнинг интерфаол ва инновацион шакллари изчил жорий қилиш кабилар асосида фаолият самарадорлигини ошириш тиббиёт амалиётининг муҳим муаммоли масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда соғлиқни сақлаш тизимининг рақобатбардошлиги, айниқса тиббиёт ходимлари, жумладан шифокор-стоматологларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш юзасидан дипломдан кейинги таълим тизими сифати ва самарадорлигини интерфаол ўқитиш усуллари ва инновацион технологиялар асосида оширишга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада стоматология мутахассислиги бўйича дипломдан кейинги таълимда янги интерфаол ўқитиш усуллари ва инновацион технологияларни мақсадли қўллаш, ноанъанавий ўқитиш шакллари жорий қилиш, ўқув-методологик тайёргарлик ва инновацияларга амалий кўникманисамарали ва муддатида амалга ошириш ҳамда масофавий инновацион технологиялар ва «тренингли маҳорат дарслари» интерфаол таълим инновацион технологиялари каби йўналишлардаги тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини илғор жаҳон стандартлари асосида ташкил қилиш, стоматология таълими сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, касалликларни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда стоматология дипломдан кейинги таълимини замонавий талаблар асосида ташкил қилиш, бюджет маблағларини оптималлаштириш, назарий-услубий ва мустақил таълим нисбатларини уйғунлаштириш, қўшма касалликларни тезкор ташхислаш ва даволаш самарасини асослаш, дипломдан кейинги таълим – «ХАБ»ни ташкил

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

қилишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш каби йўналишларда тадқиқотларни мақсадли ташкил қилиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилинич тиббий ёрдам фаолияти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Стоматологияда дипломдан кейинги таълимни ташкиллаштириш, интерфаол ўқитиш усуллари ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар, жумладан жаҳоннинг қуйидаги илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда: American University of Beirut, University of Kansas, Atlanta Oral Pathology, University of Wisconsin–Madison (АҚШ); University of Pavia (Италия); University Hospital Schleswig-Holstein, Virtuelle Hochschule Bayern, Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия); University of College London (Буюк Британия); Universidade de São Paulo (Бразилия); Yonsei University (Жанубий Корея); King George's Medical University, Department of Community Medicine, Great Eastern Medical School (Ҳиндистон); University of Griffith (Австралия); King Saud University (Саудия Арабистони); National University Taiwan (Тайвань); И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети, Волгоград давлат тиббиёт университети, В.Ф. Войно-Ясенецкий номидаги Красноярск давлат тиббиёт университети (Россия), Витебск давлат тиббиёт университети (Белорусия), Н.И. Пирогов номидаги Винницк миллий тиббиёт университети, Харьков миллий тиббиёт университети (Украина), С.Д. Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети (Қозоғистон), Самарқанд давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон).

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.aub.edu.lb, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.unipv.it, www.uksh.de, www.vhb.org, www.uni-muenchen.de, www.ucl.ac.uk, www.yonsei.ac.kr, www.kgmu.org, www.amu.ac.in, www.gems.edu.in, www.griffith.edu.au, www.ksu.edu.sa, www.ntu.edu.tw, www.sechenov.ru, www.krasgmu.ru, www.vsu.by, www.kaznmu.kz, www.sammi.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Стоматология бўйича узлуксиз дипломдан кейинги таълимни ташкиллаштиришда инновацион технологиялар истиқболларининг илмий асосларини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотларда қатор илмий натижалар олинган, жумладан: Германияда «Virtuelle Hochschule Bayern» лойиҳаси доирасида кадрларни қайта тайёрлаш ва стоматология йўналишларида малака ошириш курслари самарадорлигини оширишда ишлатиб чиқилган таълимнинг инновацион контент-конструктив блок моделларидан фойдаланиш асосланган (University of Rheinische Friedrich-Wilhelms-Universität Bonn ва Ludwig-Maximilians-Universität München, Германия); Буюк Британияда дипломдан кейинги таълимда тиббий мутахассислар тайёрлашда замонавий ўқитиш услубида тингловчилар малакасини оширишда умумривожлантирувчи ва ўзгарувчан функционал компонент тамойилли дидактик ёндашув самараси асосланган (University of Maidson Dieu Road, Буюк Британия; Department of Community Medicine, Great Eastern Medical School, Ҳиндистон); АҚШда стоматология йўналишларида дипломдан кейинги врачлар малакасини оширишда таълимнинг замонавий фаол ва интерфаол ўқитиш усулларида индивидуал ва шахсий таълим дастурларини жорий қилиш стоматологик хизмат сифати ҳамда мутахассислар фаолият самарадорлигини ошириши асосланган (National Institute of Dental and Craniofacial Research, АҚШ); Россияда «Тиббий таълимнинг сифатини ошириш бўйича WFME халқаро стандартлари»да келтирилган прогрессив ўқитиш технологияларини дипломдан кейинги таълимга татбиқ этишнинг тиббиёт ходимларининг юқори малакавий даражасини сақлашдаги аҳамияти асосланган (В.Ф.Войно-Ясенецкий номидаги Красноярск давлат тиббиёт университети, Россия).

Дунёда стоматология йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш ва врачлар малакасини оширишни ташкиллаштиришда интерфаол ўқитиш усуллари инновацион технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: врачлар малакасини ошириш жараёнларида виртуал симуляцион технологиялардан фойдаланиб тиш қаттиқ тўқималари касалликларини визуал равишда даволаш муолажаларини мустақил амалга ошириш; мутахассислар фаолият самарадорлигини оширишда циклларни масофадан ўқитишда хорижий мутахассисларни таклиф қилган ҳолда замонавий педагогик технологиялардан фаол фойдаланиш; юз-жағ жарроҳлиги йўналишларида клиник ва методологик таълимнинг мажмуавий ёндашувида мутахассислар сифатига баҳо бериш; республикада халқаро илмий-амалий конференциялар, конгресслар ва тренингли маҳорат дарсларини ташкил этишнинг илмий асосларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқитишнинг анъанавий модели доирасида таълим олувчиларнинг ўрганиш фаолияти сусайиши сабабли олий тоифадаги замонавий мутахассис тайёрлашда прогресс кузатилиши мумкин эмас: бу ўз навбатида тиббиётнинг барча соҳаларида олий тоифадаги мутахассисларнинг ўткир танқислиги билан ифодаланади (К.А. Муравьев, А.Б. Ходжаян, С.В.Рой, 2011). Ўқитилаётган материални

ўзлаштириш сифатини ошириш мақсадида ўқитувчига фақатгина ўзининг фани доирасида компетент бўлиш, аудиторияда назарий билим бериши етарли эмас, балки замонавий ўқув жараёнига янгича ёндашиш, унга таълим олувчиларнинг барчасини жалб қилиш лозим. Шу сабабли, замонавий дипломдан кейинги таълим фаол ва интерфаол ўқитиш усулларига бўлган эҳтиёжни асослаган ҳолда, мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган ўқитишнинг инновацион шакллари амалга ошириш лозим. Бунда шифокорга узлуксиз тиббий таълим (УТТ) ёрдам беради. УТТ замонавий шароитда бутун дунёда қўлланилади, у тиббий хизматни ташкиллаштириш ва сифатли тиббий ёрдамни кўрсатиш мақсадида тиббиёт ходимларини доимий ўқитиш эҳтиёжига қаратилган (И.В. Зеленский, О.В. Зеленский, 2016).

Бир қатор хорижий манбаларда тингловчилар орасида ушбу йўналишга қизиқишнинг пасайганлиги кузатилган, аммо ўқитишнинг инновацион усуллари жорий этиш натижасида 82% тингловчиларнинг илмий кўрсаткичлари тубдан ошган (В. Жураковская, И. Федорова, 2006; И.Н. Протасова ва ҳаммуалл. 2013; J. Vegum, S.I. Ali, M. Panda, 2020). Шуларни назарда тутган ҳолда стоматология бўйича узлуксиз таълим курсларида ўқитишнинг анъанавий ва интерфаол усуллари назарий ва амалий дарсларини такомиллаштириш талаб қилинади. Бугунги кунда фаол таълим усуллари аниқ концепцияга эга эмас, хусусан, амалий машғулотларни ўтказиш учун умумий қабул қилинган модел ва қоидалар мавжуд эмас. Ушбу йўналиш самарали исботланган, аммо стоматологияда дипломдан кейинги таълим тизимига интерфаол усуллари киритиш учун батафсил тузилган ва пухта ўйланган механизмни талаб қилади.

Юқорида айтиб ўтилганларни умумлаштириб айтиш мумкинки, мамлакатимизда замонавий стоматологияда дипломдан кейинги ўқитиш босқичида интерфаол ўқитиш усуллари жорий этиш истиқболларини баҳолаш ва ташкил этиш бўйича тадқиқотлар, маҳорат дарслари билан машғулотларни олиб боришни техник қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор масалалар ечимини кутмоқда, стоматологияда дипломдан кейинги таълим тизимидаги интерфаол маърузалар сегменти параметрларини баҳолашни талаб этади. Интерфаол ўқитиш усуллари таълим жараёни самарадорлигини оширишга катта ҳажмда хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, дипломдан кейинги таълимда интерфаол ўқитиш усуллари интеграцияси механизмларини бирма-бир ўрганиб чиқиш эҳтимоли мавжуд, бу ўз навбатида диссертация ишининг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000265 «Инновацион хулқ-атвор психологияси: инновацион шахснинг шаклланиши. Замонавий жамиятнинг ижтимоий-гуманитар муаммолари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018–2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади стоматология дипломдан кейинги таълимида инновацион технологиялар ва интерфаол ўқитиш усулида таълим жараёнини самарали ташкил қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

стоматология йўналишларида дипломдан кейинги таълимнинг янги назорат тизимларини белгиловчи замонавий фаол ва интерфаол ўқитиш усулларини қўллашнинг долзарблиги ва самарадорлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

меҳнат бозорида рақобатбардош юқори малакали шифокор-стоматолог мутахассисларни тайёрлашда дипломдан кейинги таълимда ўқув машғулотларининг назарий ва амалий қисмларини ташкил қилиш босқичларини ишлаб чиқишнинг устувор йўналишлари ва истиқболларини баҳолаш;

беморлар тиш-жағ тизимини эстетик тиклашни режалаштиришда стоматологик даволаш усулларининг таянч кўникмаларини такомиллаштиришда инновацион технологияларни қўллашнинг аҳамияти ва имкониятларини илмий асослаш;

дипломдан кейинги таълим оловчи стоматологларнинг амалий кўникмаларини ва касбий малака талабларини шакллантиришда анъанавий ва таклиф қилинган ўқитиш усулларидан фойдаланишнинг самарадорлигига қиёсий баҳо бериш;

стоматология йўналишларида дипломдан кейинги таълимда интерфаол ўқитиш усуллари ёрдамида амалий кўникмаларни ўзлаштиришни ва ўқув-ўзлаштириш фаолиятини фаоллаштирувчи дастурни ишлаб чиқиш;

стоматология йўналишларида дипломдан кейинги таълимда инновацион технологиялар ва интерфаол ўқитиш усулида таълим жараёнини самарали ташкил қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти 2018–2021 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институти Дипломдан кейинги таълим факультетлари (ДКТФ)нинг стоматология йўналишлари бўйича 600 нафар тингловчиси ҳамда мазкур институтлар ва Тиббиёт ходимларининг касбий малақасини ривожлантириш маркази ДКТФ стоматология йўналишлари бўйича 80 нафар профессор-ўқитувчилари таркибидан олинган.

Тадқиқотнинг предмети стоматологияда дипломдан кейинги таълимжараёнини фаоллаштириш ва ривожлантиришга хизмат қиладиган интерфаол ўқитиш услубининг инновацион технологиялари материаллари ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда сўровнома, эмпирик таҳлил, моделлаштириш, математик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

стоматологик хизмат сифати ва мутахассислар фаолияти самарадорлигини ошириш, бюджет маблағларини оптималлаштириш ҳамда узлуксиз малака ошириш жараёнини такомиллаштиришда дипломдан кейинги таълим тизимида мустақил, жумладан апробацион таълимга устуворлик бериш ҳисобига малака ошириш курсларида амалдаги ўқитиш соатларини тенг

улушда назарий-услугий (50%) ва мустақил таълим (50%) асосида ташкил қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида юз-жағ касалликлари мутахассислари фаолияти самарадорлигини ва стоматологик хизмат сифатини ошириш мақсадида дипломдан кейинги таълимнинг стоматология предмети ўқув дастурларида ажратилган соатлар таркиби назариёт ва амалиёт бўйича мос равишда 30 ва 70% нисбатда бўлиши асосланган;

стоматологиянинг болалар ва катталар юз-жағ жарроҳлиги йўналишида такомиллаштирилган клиник ва методологик таълим усули оториноларингология, офтальмология, нейрохирургия, неврология йўналишларидаги касбий кўникмаларнинг мужассамлашган ёндашуви юз-жағ тизимидаги ўткир йирингли яллиғланиш жараёнлари ва оғир травматологик қўшма касалликларини тезкор ташхислаш ва даволаш самарасининг устувор усули эканлиги асосланган;

юқори лаб ва танглай туғма нуқсонларини комплекс даволаш бўйича дипломдан кейинги таълимни муаллифлик «SamMI-Vibenar» тўртинчи авлод платформасида хорижий клиника жарроҳлик амалиётида тингловчиларнинг масофавий иштирок этишини тизимли ташкил қилиш нуқсонларни даволаш самарадорлигини ошириши ва таълим сарф-харажатларини оптималлаштириш негизида бюджет маблағларини 52–64% даражасида тежаш имконини бериши исботланган;

стоматология олий таълим муассасаларида дипломдан кейинги таълим – «ХАБ» нинг ташкил қилиниши, республика ва хорижий тингловчиларни қисқа (8–16 соат) ва узок (864 соат) муддатли ўқув курсларига тизимли жалб қилиниши соҳа кадрларини тайёрлаш тизимини жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига уйғун интеграциясини таъминлашга хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

беморларнинг юз-жағ тизими касалликларини даволаш бўйича асосий амалий кўникмаларини такомиллаштириш юқори малакали мутахассислар тайёрлаш имконини яратиши аниқланган;

стоматология бўйича дипломдан кейинги таълимда тавсия этилган замонавий интерфаол ўқитиш усулларида фойдаланиш таълимнинг устувор йўналишлари истиқболларини баҳолаши исботланган;

симуляция технологияларидан фойдаланган ҳолда тиш-жағ тизими касалликлари бўлган беморларга шошилиш ёрдам кўрсатиш амалий кўникмаларини ўзлаштириш ҳаракатлар алгоритмининг анъанавий усулларга нисбатан клиник жиҳатдан самарадорлиги исботланган;

шифокор-стоматологлар тайёрлашда назарий, услубий, амалий кўникмаларни ўз ичига олувчи малакавий талаблар модели шифокорларнинг клиник фикрлаш қобилияти самарадорлигини такомиллаштирган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган тадқиқотчилар сонининг етарлилиги, тадқиқотда

қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи анкета асосида аудитория сўровномаси ишлатилгани, натижаларга математик ва статистик усулда ишлов берилганлиги, шунингдек, стоматология бўйича узлуксиз таълимни ташкиллаштиришда инновацион технологиялар имкониятларидан фойдаланишда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, олинган натижалар, хулосалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти стоматологик хизмат сифати ва мутахассислар фаолияти самарадорлигини ошириш, бюджет маблағлари сарф-харажатларини камайтириш, кадрлар тайёрлаш ва врачлар малакасини ошириш жараёнини амалдаги анъанавий ўқитиш услубидаги фанга ажратилган соатлар ҳажмининг асосий қисмини мустақил таълимга йўналтириб, назарий-услубий таълим асосида циклларнинг ташкил қилиниши, юз-жағ касалликлари ва юқори лаб ва танглай туғма нуқсонларини комплекс даволаш бўйича таклиф қилинган «SamMI-Vebinar» тўртинчи авлод платформасида жарроҳлик амалиётларида шифокор-стоматологларнинг масофавий иштирок этиши касалликларни даволаш самарадорлигининг ошиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, дипломдан кейинги таълимда стоматология йўналишларида такомиллаштирилган клиник ва методологик таълим усулида оториноларингология, офтальмология, нейрохирургия, неврология мутахассисликларидаги касбий кўникмаларнинг мужассамлашган ёндашуви юз-жағ тизимидаги ўткир йирингли яллиғланиш жараёнлари ва оғир травматологик қўшма касалликларни ташхислаш ва даволаш самарали усул эканлиги изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. стоматологияда дипломдан кейинги таълимда олишнинг интерактив услуби инновацион интерфаол усулда ўқитишнинг инновацион технологияларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш натижаларини баҳолаш натижаларига кўра:

дипломдан кейинги таълим тизимида мустақил, жумладан апробацион таълимга устуворлик бериш ҳисобига малака ошириш курсларида амалдаги ўқитиш соатларини тенг улушда назарий-услубий ва мустақил таълим асосида ташкил қилиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 05 майдаги ПҚ-2956-сон «Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 31 майдаги чора-тадбирлар режаси ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 25 майдаги 337-сон буйруғи). Дипломдан кейинги таълим тизимида ўқитиш соатларини тенг улушда ташкил қилиниши соғлиқни сақлашда бирламчи бўғинда фаолият олиб борувчи тингловчилар контингентига юз-жағ тизимидаги касалликларни самарали профилактика, ташхислаш ва даволаш имконини берган;

дипломдан кейинги таълимнинг стоматология фани ўқув дастурларида ажратилган соатлар таркибида назарий ва амалиётнинг 30 ва 70% нисбатида бўлиши бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 07 апрелдаги ПҚ-4666-сон «Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 08 февралдаги 22-сон буйруғи). Дипломдан кейинги таълим тизимида ўқитиш соатларини тенг улушда ташкил қилиниши стоматология мутахассислари фаолияти самарадорлигини ва стоматологик хизматлар сифатини ошириш имконини берган;

юз-жағ тизимидаги ўткир йирингли яллиғланиш жараёнлари ва оғир травматологик қўшма касалликларини тезкор ташхислаш ва даволаш самарасининг устувор усул эканлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 06 май ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 майдаги 122-сон чора-тадбирлар режасидаги вазифалари). Узлуксиз касбий таълим тизимида тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларида мутахассисларнинг мажмуавий ёндашуви натижасида оғир клиник патологияларда беморларга транспортировкасиз сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берган;

стоматологик амалий кўникмаларни ўзлаштиришда курсантларнинг фикрлаш даражасини максимал даражада ошириш нитаъминлаш учун «Стоматологик клиникада беморларга шошилиш ёрдам кўрсатиш экстремал ҳолатларида амалий кўникмаларни ўзлаштиришда симуляция технологияларидан фойдаланиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 27 мартдаги 8н-д/114-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома курсантларга шошилиш ҳолатларида беморларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг амалий кўникмаларини симуляцион технологиялардан фойдаланиш орқали самарали даволаш тактикасини танлаш имконини берган;

шифокорларни фаол иштирокчилар сифатида ўқув жараёнига жалб этишни таъминловчи «Эндодонтияда эстетикани режалаштиришда масофавий инновацион технологияларнинг имкониятлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 27 мартдаги 8н-д/114-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида инновацион технологияларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиб, касалликни эрта ташхислаш ва самарали даволаш тактикасини танлаш беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

шифокор-курсантларни ўқув жараёнида фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган «Шифокор-стоматологнинг касбий малака талабларини шакллантиришда рақамли технологиялар ва интерфаол ёндашувдан фойдаланиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 27 мартдаги 8н-д/114-сон маълумотномаси).

Мазкур услубий тавсияномада клиник кўникмаларни шакллантирувчи амалиётга йўналтирилган ўқитиш услуби беморларни самарали даволаш тактикасини танлаш имкониятини асослаб берган;

стоматология йўналишлари бўйича узлуксиз дипломдан кейинги таълимни ташкиллаштиришни такомиллаштириш ва ўқитиш усуллари инновацион технологиялари истиқболларининг илмий асосларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоят стоматологик поликлиникаси клиник амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 апрелдаги 8н-з/82-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши стоматологияда амалий кўникмаларни ўзлаштиришни ташкил этиш, ортопедик ва жарроҳлик хусусиятга эга ҳамда мануал кўникмаларни бажаришдаги алгоритмларни кўрсатган ҳолда манекен, тренажёр, имитатор, стандартлаштирилган беморлар, кўнгиллилар ёрдамида, замонавий дипломдан кейинги таълимнинг амалиётида ажралмас таркибий қисми бўлиб хизмат қилиши, интерактив таълимнинг инновацион технологияларини ташкил қилиш ва қўллашда алоҳида жанр сифатида шифокор-стоматологлар учун тренингли маҳорат дарси шакли ҳисобланиши, илк бор мамлақтимизда хорижий олим-стоматологлар томонидан ташкил этилган ва ўтказилганлиги, касбий маҳоратни шакллантириш ва юқори билим ва кўникмаларни эгаллашимконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 илмий-амалий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилганилмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва қисқартмалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва талабгорлиги асосланган, мақсад ва вазифалари аниқ шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметиға тавсиф берилган, ЎзР Фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари кўрсатилган, иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган,

тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, мавзу бўйича чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Жаҳон амалиётида фаол ва интерфаол ўқитиш усуллари татбиқ этишнинг ривожланиш динамикаси ва интенсивлигининг замонавий аспекти»** деб номланган биринчи бобида дипломдан кейинги узлуксиз таълимни модернизация қилишда стоматологларни ўқитишнинг фаол ва интерфаол усуллари ҳақидаги замонавий ғоялар ёритилган, шунингдек, дипломдан кейинги узлуксиз стоматологик таълим тизими амалиётида фаол ва интерфаол ўқитиш усуллари таснифи ва босқичлари тўғрисида маълумотлар берилган, бобнинг охирида стоматологияда дипломдан кейинги узлуксиз таълим тизимида ўқитишнинг янги фаол ва интерфаол усулларидан фойдаланган ҳолда машғулотларни ташкил этишнинг долзарб вазифалари кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Стоматология йўналишлари бўйича узлуксиз дипломдан кейинги таълимни ташкиллаштиришни такомиллаштириш ва интерфаол ўқитиш усуллари инновацион технологиялари истиқболларининг илмий асосларини баҳолаш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида стоматологияда дипломдан кейинги таълимга интерфаол ўқитишнинг инновацион технологияларини татбиқ қилишнинг умумий тавсифи берилган. Тадқиқот натижалари махсус ишлаб чиқилган хариталарда ўқув жараёнида интерфаол таълимдан фойдаланиш самарадорлиги ва фойдалилигини таҳлил қилиш учун курсантлар ва профессор-ўқитувчиларнинг алоҳида анкета саволномаси (А.В.Равино анкетаси асосида, БДТУ, 2016) натижалари бўйича рўйхатдан ўтказилди.

Тадқиқотда Самарқанд давлат тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институти ДКТФларининг стоматология йўналишлари бўйича 600 нафар тингловчиси ҳамда мазкур институтлар ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ДКТФларининг стоматология йўналишлари бўйича 80 нафар профессор-ўқитувчиларидан олинган сўровномалар таҳлил қилинган.

Ўқув ва билим фаолиятини ривожлантириш учун интерфаол ўқитиш усуллари инновацион технологиялари кичик гуруҳлар, ролли ўйинлар усули, мияга хужум, муаммоли маърузалар, интеграцион таълимда ўқитиш, клиник вазиятларни таҳлил қилиш, дастурлаштирилган ўқитиш, стандартлаштирилган вазиятларни таҳлил қилиш, амалий вазифаларни ҳал қилиш, воқеаларни драматизация қилиш ва таҳлил қилиш, ишбилармонлик ўйинлари, фантомлар ва моделларда симуляцион таълим технологияларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришдаги машғулотлар (стоматология клиникасида ва поликлиникасида), стоматология бўйича илмий-амалий конферециялар ўтказиш, стоматологларнинг амалий кўникмаларини тренинг-ўргатиш билан маҳорат дарсларини ўтказиш, клиник тайёргарлик ва тест назорати бўйича имтиҳонлар ўтказиб баҳоланган.

Олинган натижалар Microsoft Office Excel 2016 программасида математик ва статистик усуллардан фойдаланилиб χ^2 тестида таққосланган.

Диссертациянинг учинчи «**Стоматология йўналишларида дипломдан кейинги таълимда ўқитишнинг интерфаол усуллари ташкил этиш ва истиқболлари**» бобида шахсий изланишлар асосий тадқиқот ишлари сифатида маърузалар (50) ва амалий машғулотлар (48), семинар машғулотлар (29) мавзулари терапевтик стоматология йўналиши бўйича ўқув дастур ва янги ўқув қўлланмалар асосида тузилган. «Терапевтик стоматология» фанини ўрганишда, дипломдан кейинги таълимнинг замонавий юқори сифатли ютуқлари ва тиш қаттиқ тўқимаси касалликларини ташхислаш, даволаш, профилактика ва реабилитация қилишдаги амалий кўникмаларни ривожлантириш билан билимларни кенгайтириш ҳисобга олинди. Дастурнинг тузилиши бир-бирини тўлдириш тамойили асосида оптималлаштирилган, ўқув жараёни билимларни ўзлаштиришнинг энг самарали режимини ҳисобга олган ҳолда мувозанатлаштирилган (1-жадвал).

1-жадвал

«Терапевтик стоматология» фани ўқувдастурининг тузилиши

№	Бўлимлар ва мавзулар номи	Маъруза(соат)	Амалий машғулот(соат)	Семинар(соат)	Жами(соат)
1.	Юз ва жағнинг клиник анатомияси. Мимик ва чайнов мушаклари. Юз-жағ соҳасининг қон билан таъминланиши ва иннервацияси. Лимфа тизими. Оғиз бўшлиғи аъзоларининг анатомияси ва физиологияси.	2	4	-	6
2.	Терапевтик-стоматологик беморларниклиник ва махсус текширув усуллари.	2	4	-	6
3.	Тишлар кариеси. Тиш қаттиқ тўқималари тузилишининг морфологик хусусиятлари. Эпидемиология. Этиопатогенез. Тиш кариеси ривожланишининг замонавий назарияси. Тиш кариеси профилактикаси. Тишлар кариеситаснифи. Клиникаси, қиёсий ташхиси.	2	3	1	6
4.	Энтодонтия. Энтодонтия тўғрисида тушунча. Энтодонтияда замонавий технологиялар. Тишлар илдиз каналлари анатомияси. Тишлар илдиз каналлари ишчи соҳаси узунлигини аниқлаш усуллари. Ишлатиладиган асбоблар. Уларнинг тавсифи ва таснифи.	2	3	1	6

Аммо шуни таъкидлаш лозимки, шифокор-стоматологлар учун дипломдан кейинги таълимдаги маъруза ва амалий машғулотлар ўқув материалларини интерфаол ўқитиш услубининг янги технологияларидан фойдаланган ҳолда циклларни ташкил этиш кўп жиҳатдан курсантларнинг анъанавий ўқув жараёнидан фарқ қилади.

Ишлаб чиқилган тамойилларни инобатга олган ҳолда, циклнинг биринчи куни ўқув жараёнининг ташкилий босқичи курсантларни ўқув дастури ва дарснинг мақсади, амалий машғулотларнинг услубий кўрсатмаларидаги ўқитиш мақсади, фаннинг мазмуни ва тавсия этилган адабиётлар билан таништиришни ўз ичига олади.

Тадқиқотда интерфаол дарс режасини тузишда тайёргарлик босқичи тадбирларини ўтказиш алгоритмининг тавсия қилишда ечиладиган муаммоларни аниқлаб олиш, олинган билимларни амалга ошириш истиқболларини белгилаш, амалий қисмда бажариладиган ишларни аниқлаб олиш зарурлиги ҳисобга олинди.

Ташкилий босқичга мавзуни аниқлаш, дарснинг мақсади, курсантлар бошланғич билимларининг назорати (кириш) ва кичик гуруҳларга бирлаштириш киради.

Дарсларнинг ташкилий қисми одатда 15–20 дақиқадан кўпроқ вақтни ташкил этади ва амалий машғулотларни тўғридан-тўғри амалга ошириш учун машғулотлар ҳажми ва мураккаблигини инобатга олган ҳолда уни 1,5–2 соатгача ошириш зарур.

Интерфаол дарсларнинг алгоритмининг амалга ошириш курсантларга ўқув куни мультимедиа технологияларидан фойдаланиб маърузаларни ўқиш, Microsoft Power Point дастуридаги такдимотлар, слайдлар тўпламининг намойиш қилиб мавзуни таҳлил қилишдан бошланади. Ўқув фаолиятини ташкил этишнинг компьютер ва анъанавий шакллари бирлаштириш ўқитувчига (SmartBoaks) интерфаол доскада жавоб бериш усулини қўллаш имконини беради. Ҳозирги вақтда интерфаол ўқитиш бўйича маърузалар ноанъанавий шаклда муаммоли маърузалар, шарҳловчи маърузалар ҳамда иккита маърузачилар шаклида ўқилади.

Ноанъанавий маърузалар интерфаол маърузалар бўлиб, уларнинг вазифаси билим ва фаол фаолиятга жалб қилишгина бўлмай, балки коммуникатив таълим олишда маърузачининг бошқа тингловчилар билан ўзаро алоқада бўлишга ундайди. Интерфаол маъруза ўқитувчилар томонидан анъанавий ўқитиш ва компьютер технологиялари ёрдамида индивидуал ўқитишнинг афзалликларини бирлаштиради.

Шу билан бирга, тингловчилар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, ўқитувчи ва тингловчининг «юзма-юз» маърузалари фанни чуқур ўрганиш учун маълумот алмашиш орқали олинган билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини ривожлантиришда энг асосий ва энг самарали ҳисобланади (86,2%).


Самарқанд давлат тиббиёт институти ДКТФ стоматология кафедрасида дипломдан кейинги таълимнинг режасига биноан ноанъанавий маърузалар

терапевтик стоматология фанининг асосий муаммолари бўйича интерфаол ўқитиш услубининг янги технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Шифокор-стоматологларни тайёрлаш фаолиятининг асосий қисми амалий машғулотлардан иборат бўлиб, тадқиқот натижалари биринчи мартаба амалий машғулотлар тайёргарлик босқичи ва ташкил этиш босқичларининг хусусиятлари стоматология йўналишлари бўйича дипломдан кейинги интерфаол усул ёрдамида ўзлаштирган билимларни қўллаш истиқболларини белгилайдиган янги тавсияларни аниқлади.

Стоматологларнинг дипломдан кейинги таълимнинг ҳар бир ўқитиш цикли якунида тингловчилар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига мувофиқ тингловчиларнинг 96,3% ўқитишнинг интерфаол усулларидан фойдаланишни ижобий баҳолади ва улардан дипломдан кейинги таълимда фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини қайд этди (2, 3-жадваллар).

Профессор-ўқитувчилар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари(92,0%) шуни кўрсатдики, таклиф қилинган ўқитиш усуллари дарсларга мустақил тайёргарлик даражасини ва уларни ўтказиш пайтида шифокорларнинг фаоллигини, ўрганишга бўлган қизиқишни ошириб, клиник фикрлашни ривожлантиришга ҳисса қўшади (1-расм).



1-расм. Дипломдан кейинги таълимда тингловчиларда ўтказилган сўровномалар натижалари.

Дипломдан кейинги таълимда шифокор-стоматологларни ўқитиш усуллари самарадорлигини баҳолаш сўровномаси

Самарадорлик тамойиллари	Анъанавий ўқитиш усули	Интерфаол ўқитиш усули
Дарслар қизиқарли, шифокор-стоматологлар ўқув жараёнида фаол иштирок этишмоқда	1,3	4,9
Ўзининг ва ўзганинг фикрини тўғри, мантикий ифодалай билиш	3,4	4,2
Ўқиш мобайнида янги билим ва тажриба олиш	3,7	4,9
Машғулот якунида тингловчи томонидан қониқиш ҳисси	2,9	4,1
Бор билимлардан фойдаланишни билиш	3,9	4,8
Тингловчиларни ўрганиш фаолиятининг қайси усули рағбатлантиради?	0	5,0
Ўқитишнинг қайси усули таълим оловчилар учун энг қизиқарли ҳисобланади?	0	5,0
Қайси усулни қўллаганда қолдиқ билимларнинг ҳажми катта?	0	5,0
Ўқитишнинг қайси усулини қўллаш мақсадга мувофиқ?	0,3	5,0
Жами	1,9	4,85

Масофавий ўқитиш шифокорлар малакасини оширишнинг замонавий технологияларидан бири бўлиб, у турли усулларда қўлланилади. Тиббиётда тиббий журналлар ва онлайн ўқитиш кенг тарқалган. Тиббий таълим сифат даражаси замонавий ҳақиқатларга мос келиши, шу жумладан масофавий ўқитишга инновацион ўзгаришларни киритишни талаб қилади. Интерфаол таълим концепцияси тингловчига таълим объекти эмас, балки таълим жараёни иштирокчиси ролини синаб кўриш имконини беради. Стоматологияда дипломдан кейинги таълимда ўқитиш учун масофавий инновацион технологияларнинг аҳамияти беқиёс, чунки у ҳар қандай тиббий мутахассисликни ўрганиш учун муҳим бўлган визуализацияга максимал даражада эътибор беради.

Дипломдан кейинги таълимда профессор-ўқитувчиларни ўқитиш усуллари самарадорлигини баҳолаш сўровномаси

Самарадорлик тамойиллари	Анъанавий ўқитиш усули	Интерфаол ўқитиш усули
Дарслар қизиқарли, шифокор-стоматологлар ўқув жараёнида фаол иштирок этишмоқда	0,4	5,0
Ўзининг ва ўзганинг фикрини тўғри, мантиқий ифодалай билиш	3,8	4,9
Ўқиш мобайнида янги билим ва тажриба олиш	4,2	5,0
Машғулот якунида тингловчи томонидан қониқиш ҳисси	2,1	4,4
Бор билимлардан фойдаланишни билиш	4,3	4,7
Машғулотларда ўқитувчилар томонидан қайси ўқитиш-таълим технологиялари қўлланилади?	2,0	4,6
Тингловчиларни ўрганиш фаолиятининг қайси усули рағбатлантиради?	1,7	4,9
Ўқитишнинг қайси усули таълим олувчилар учун энг қизиқарли ҳисобланади?	0	5,0
Қайси усулни қўллаганда қолдиқ билимларнинг ҳажми катта?	0	5,0
Ўқитишнинг қайси усулини қўллаш мақсадга мувофиқ?	0,6	5,0
Жами	1,7	4,7

Диссертациянинг «Дипломдан кейинги таълимда шифокор - стоматологларнинг амалий кўникмаларни ўзлаштиришининг интерфаол усули», деб номланган тўртинчи бобида интерфаол усул характеристикаси ёритиб берилган. Ҳозирги кунда беморларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонунчилик базаси тўғрисида хабардорлиги ҳамда стоматологик клиникалар бозор иқтисодиётига ўтиши туфайли беморлар тингловчилар тадқиқотларига розилик беришни тўхтатдилар.

Шифокорнинг клиник тайёргарлиги ҳар қандай ОТМ учун «оғрикли» масала бўлиб, у ҳеч қандай тарзда таълим муассасасининг мақоми ва ҳажми билан боғлиқ эмас – юқори малакали мутахассисларнинг кескин етишмовчилиги тармоқнинг долзарб муаммоси бўлиб турибди. Бу табиий равишда назарий билим даражасига зарар етказмасдан, келажакдаги шифокорларни тайёрлашнинг амалий йўналишини сезиларли даражада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш зарурлигини англатади.

Бугунги кунда тиббиёт ходимлари касбий фаолиятини ривожлантириш учун турли хил симуляторлар, манекенлар, моделлар, виртуал симуляторлар

ва бошқа техник ўқитиш воситалари миллий соғлиқни сақлаш тизимида кенг жорий этилмоқда.

